

**ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)  
ОИД ШАРТНОМА №**

Бухоро шаҳри.

«13» «09» 2022 йил.

АКТ INOVATSIYA SYSTEM MCHJ кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг низом (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи директор Чориев З номидан, Бухоро давлат университетининг Педагогика институти устави асосида иш юритувчи директори Даминов М.И кейинги ўринларда "Буюртмачи" номланувчи иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар ҳақида туздилар.

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1. Мазкур шартнома бўйича "АКТ INOVATSIYA SYSTEM MCHJ" Буюртмачи Бухоро давлат университетининг Педагогика институти (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) хизмат кўрсатиш, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва топшириш далолатномаси оркали қабул килади.

1.2. "Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи мазкур шартноманинг таркибий қисми хисобланган формада келтирилади.

**II. ТОМОНЛАРНИНГ  
ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**2.1. "Буюртмачи"нинг хуқуқлари:**

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив хўжжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" " Буюртмачи "нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;
- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

**2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:**

2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

**2.3. «Бажарувчи» қуидаги хуқуқларга эга:**

2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги конун хўжжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

**2.4. «Бажарувчи» қуидагиларга мажбур:**

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Фазначилик бўлимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш:

2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва микдорда кўрсатиш;

2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аникланган барча камчиликларни \_\_ кун муддатда текин тузатиб бериш.

2.4.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз микдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган

### **III. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 48 000 000 (кирк саккиз миллион ) сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркуми суммасининг 30 фоизи миқдорида **2022 йилнинг сентябр ойида** олдиндан ҳак тўлайди ва Кўрсатилган "Хизматлар" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин "Хизматлар" туркуми суммасининг 70 фоизи миқдорида иш тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг якуний тўловни амалга оширади.
- 3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул қўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

### **IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ**

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини тъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл кўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳак тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳаклидир.
- 4.5. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли кисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганилиги тўғрисида белги кўяди.
- 4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли кисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳаклидир, бу ҳакда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор киласи.

### **V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

- 5.1. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташкари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташкари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган заарни тўлайди.
- 5.2. Хизматлар кўрсатиш кечикирилган ёки тўлик кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечикирилиши ёки тўлик кўрсатилмаслиги туфайли етказилган заарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вактида ҳак тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечикирилган ҳар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобракамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ кўлланилади.

### **VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиқкан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустакил равишида уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
- 6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳаклидир.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «13» «09»дан 2022 йил «31» «декабрь» гача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва хисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилиди.

## VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 121 ва 122-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буортмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари хисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгаришиш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий хисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгаришилар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“Бажарувчи”	“Буюртмачи”
" AKT INNOVATSIYA SYSTEM " МЧЖ	Бухоро давлат университетининг Педагогика институти
Манзили р. Жондорский	Манзил: Бухоро шаҳри Придасттир кучаси №2 уй
Тел/факс (+99897) 300 65 87	Тел./факс 65-226-13-59 м/х.в 400910860064017094100079006
x/p 2020800005302122001	
Банк номи: АСАКА" АТ БАНК г. Бухара	СТИР 308570734
МФО 00120	ОКОНХ
ИНН 306238798	Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги
	Фаз/х 23402000300100001010
	Банк номи Марказий банк Тошкент ш. МФО 00014 ғазначилик бўлинмаси СТИР 201122919
Директор	Директор  М.И Даминов
Хукуқшунос	Хукуқшунос 

Хукуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш): \_\_\_\_\_

